Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318853

materiallar to‘plami

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Б.Якубова-Андижон машинасозлик институти, “Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти

Р.Мадрахимова-Андижон машинасозлик институти, 2-курс “Иқтисодиёт” йўналиши талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада сунъий интеллект тизимларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва имкониятларига кўра турлари ҳамда уларни таълим жараёнида қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида фикрлар юритилган. Сунъий интеллект тизимларини таълимда қўллаш бўйича ривожланган давлатлар тажрибалари, уларни мамлакатимиз таълимига татбиқ этиш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, интеллект, компьютер, ақлли мактаб, робот, фантастика, робот-ўқитувчилар.

Сунъий интеллект бугунги кунда дунёдаги энг муҳим технологиялардан бирига айланиб улгурди. Ўтган асрнинг бошларида биз фақат фильмларда ва турли хил илмий-фантастик романларда кўришимиз мумкин бўлган саҳналарнинг аксарияти ҳаётимизга сунъий интеллектнинг кириб келиши билан ҳақиқатга айланмоқда.

БМТ томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2022 йилга келиб, дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолиши тахмин қилинаётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш энг тўғри стратегик йўналиш ҳисобланади.[1.340]

Бугунги кунда жаҳон амалиётида Канада, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Финляндия, Япония, Хитой, Италия, Тунис, Буюк Британия, АҚШ, Швеция, Мексика, Европа Иттифоқи, Кения, Дания, Франция, Австралия, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва Германия каби давлатлар сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияларини эълон қилган.

Сунъий интеллект технологияларининг дунё амалиётида жадал ва кенг қўлланилиши ҳамда шу каби рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини мамлакатимиз ҳаётида фойдаланишнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг талабидир.

Сунъий интеллект атамаси биринчи бўлиб, 1956 йилда Дортмунд конференциясида Жон Маккарти ва унинг ҳамкасблари Марвин Ли Минский, Натаниэль Рочестер, Клод Шеннонлар томонидан таклиф этилган. Жон Маккарти ушбу атаманинг муаллифи сифатида қабул қилинади. Шу ўтган вақт ичида жуда катта илмий изланишлар олиб борилди ва борилмоқда,

Published: 10.11.2023

Cite this article: Б.Якубова, Р.Мадрахимова (2023). Таълим жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318853

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

бунинг натижасида сунъий интеллектнинг қўлланилиш соҳаси тезлик билан кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда сунъий интеллект соғлиқни сақлаш, энергетика, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, таълим, машинасозликни такомиллаштириш, овозли ёрдамчилар, онлайн суҳбат ва алоқа ва дастурий таъминотни ривожлантиришда самарали фойдаланилмоқда.[2.65]

Сунъий интеллект тушунчасига таъриф беришдан олдин интеллект нималигини билишимиз лозим. Интеллект - (lot. intellectus - билиш, тушуниш, идрок қилиш, ақл) инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилишда бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллектнинг таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш ва психик жараёнлар киради.

Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект даражаси инсон фаолиятининг ҳамда, психологик тестлар натижаларига қараб ҳам белгиланади.

Юқорида кўриб чиқилган “интеллект” тушунчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, интеллект фақат инсонларга тегишли ва одам ақлий қобилиятининг ўзига хос ўлчовидир. Психологлар томонидан махсус усуллар ёрдамида тажриба орқали одамнинг интеллектуал (ақлий) даражасини аниқлаш имкониятлари пайдо бўлди.[3.201]

Сунъий интеллект ва интеллект тушунчаларининг таърифлари бир-биридан фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби мия хусусиятлари ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаганлигидадир. Инсон мияси сон-саноқсиз сирларни ўз ичига олган. Аммо, биз миянинг ишлаш услуб ва тамойилларини тўлиқ билмаймиз, миянинг ишлаши ҳақидаги асосий билимларимиз нейронлар ва уларнинг фаолиятлари билан чекланган. Мияни максимал тадқиқ қилиш учун аввало, миянинг ишлашини тушуниш ва тушунтириш зарур. Бунинг натижасида неврология ва шунга мос равишда мияга асосланган таълим ёндашуви шаклланди. Миянинг ишлаш алгоритмини таҳлил қилиш орқали компьютерлар ёки ақлли машиналарнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиш мумкин.

Сунъий интеллект тизимларининг ривожлантириш масалаларини ўзбек олимларидан М.Камилов, Т.Бекмуратов, Ш.Мадрахимов, Н.Игнатев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган.[4.86]

Сунъий интеллект тизимларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва имкониятларига кўра турлари ҳамда уларни таълим жараёнида қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида фикрлар юритилган. Сунъий интеллект тизимларини таълимда қўллаш бўйича ривожланган давлатлар тажрибалари, уларни мамлакатимиз таълимига татбиқ этиш масалалари ўрганилган.

Сунъий интеллект технологиялари орқали ҳар қандай соҳани ўзгартириш имконияти мавжуд, аммо бу имкониятлар чексиз эмас. Сунъий интеллектнинг асосий камчиликлари шундаки,

– маълумотлардаги ҳар қандай ноаниқликлар

- натижага таъсир кўрсатади;

– киритилаётган маълумотлар аниқ бўлиши, сунъий интеллект тизимлари хатосиз ишлашини таъминлайди;[5.30]

Тизимлар битта аниқ вазифани бажариш учун мўлжалланган ва улар инсон каби кўп вазифаликдан йироқдир. Бундан ташқари, ўзини ўзи ўрганиш тизимлари мустақил эмас. Биз телевизор ва кино экранларида кўрган сунъий интеллект технологиясининг тавсифлари ҳанузгача хаёлот элементлари бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, маълум маҳоратларни ўрганиш ва такомиллаштириш учун мураккаб маълумотларни таҳлил қила оладиган компьютерлар камдан-кам учрайди. Шуни унутмаслик керакки ҳар бир яратилаётган технологиялар доим инсониятга, унинг турмуш даражасини яхшилашга, тараққиётга хизмат қилмоғи лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Ахборот тизимлари ва технологиялари”. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. - Т: «Шарқ», 2000 й. 336-368 б.
2. Рахимов Н.О. Интеллектуал ўқитиш тизимларида билимларни ифодалаш моделлари // ТАТУ хабарлари. – Тошкент. №4. 2010. 64-68 б.
3. Кадиров М.М. “Ахборот технологиялари” фанидан ўқув қўлланма. 1-қисм. - Т.:«Сано-стандарт» нашриёти, - 2018. 192-237 б.

4.Брусиловский П.Л. Интеллектуальные обучающие системы. // Информатика. Наука-технический сборник. Киев, 1990. № 2.

5. Бессмертный И.А. “Искусственный интеллект” Учебное пособие. Санкт-Петербург 2010. 27-32 с.